

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!




Ishonch

2016-yil
7-iyun,
seshanba

№ 68
(3729)

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



Тарихий кўприкнинг замонавий қиёфаси

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдида

Севимли диёримиз Ўзбекистонда яшаётган инсон борки, Ватан ҳақида тўлиб-тошиб гапиради, уни мадҳ этишдан чарчамайди. Зеро, бунга барчамиз бурчлимиз ва ҳақлимиз.

Она-юрт бағрида порлар чироқлар

Кўҳна тарих учун бу жуда қисқа давр, чорак аср муқаддам яхши ниятлар билан бошланган, қодир Оллоҳга хуш келадиган нури йўл туфайли бағримизга шамол теғди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ўтган вақт мобайнида эришган ютуқларимиз самарасини яна бир бор кўз олдимизда намойн қилди. Қарорда қайд этилганидек: «Кўпни кўрган, меҳнатқаш ва олижаноб халқимизнинг мардлиги ва матонати эвазига эришайтган бундай марра ва натижалар Ватанимизнинг обрўсини янада юксалтириб, кўпчилик мамлакатларни қойил қолдираётгани ва уларнинг ҳавасини ўйгатаётганини кузатиш қийин эмас». Бу барчамизда фахр ҳиссини уйғотиши шубҳасиз.

Ватанимиз севмоқ иймодандир, дейилади ҳадиси шарифда. Шарқнинг таниқли алломаларидан бири бўлмиш Сидқий Хондайлиқий ўзининг «Юз насиҳат»ида: «Кўзга энг яхши кўринувчи, дилга яқин нимарса надир?», дея савол ташлайди-да, жавобини ҳам ўзи ёзади: «Ватан! Гарчи туғилган қишлоғи култга эса-да, Сидқийга энг яқин ва улуг кўринур...». Ўша даврларда, яъни бундан ҳақ йиллар аввал қишлоқларимиз култга бўлса бордир, аммо ҳозир ҳеч қайси шаҳардан қолишмайди. Барча шароит мужассам, тўқис ва кўркам лойиҳали уй-жойлар бунга бир мисол.

Сидқий Хондайлиқий таърифича, ҳар кимга туғилган Ватани, киндик қони томган жой азиз. Воҳаларда, чулу саҳроларда макон топганлар кўз илғамас кенгликларни ҳеч нарсага алдшмайди. Водийликлар ва тоғликлар эса ўз жойларини энг улуг кўрадилар...

Биз ҳам туғилиб ўсган маконимиз — Бўстонлигимизсиз ўзимизни тасаввур қилолмаймиз. Назаримизда, кимки Ватанининг чин фарзанди бўлса, аввало, унинг ўтмиши-ю тарихини мукамал билмоғи ва авлодларига сидқидилдан ўргатиб бормоғи лозим. Токи, ҳар биримиз, айниқса фарзандларимиз биз кимларнинг ворисларимиз, не-не ташвишлар, қанчадан-қанча кувончли дамларни бошдан кечиришга тўғри келганини чуқур ангагинлар. Охир-оқибатда уларда Ватанга нисбатан сўнмас меҳр-муҳаббат туйғуси уйғонсин.

Диёримизнинг гултожларидан бирига айланиб бораётган Бўстонлик бағрида уни улуглаётган, зиммасидаги вазифаларини виждонан ҳалол бажараётган инсонлар сафи тобора кенгаймоқда. Бундан кувонмаслик мумкин эмас.

»(3).

Сайлов Маҳалла — жамият таянчи

Халқимиз азалдан маҳалланинг маънавий кучига ишониб яшаган. Маҳалла-кўй олдида обрўсини, шаънини йўқотиш инсон учун энг катта йўқотиш дея баҳоланган. Инсоннинг яхши кўнида ҳам, ёмон кўнида ҳам маҳалладашлар, қўни-қўшиллар қор келишган. Кишилик жамиятининг бу эзгу жиҳати замонлар оша мустаҳкамланиб келмоқда. Айниқса, маҳаллаларда қизгин руҳда ўтказилаётган сайловларда бу янада аққол кўзга ташланмоқда.

Уйчи туманидаги «Боягон» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тузилган Ишчи гуруҳ фаолиятини синчковлик билан олиб бормоқда. Худуддаги 34-умумтаълим мактаби биносидан Ишчи гуруҳ учун махсус жиҳозланган хона ажратилиб, зарур қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар билан таъминланди. Ҳар бир кўчадаги сайловчилар билан учрашиш, номзодларни саралаш ва тақдим этиш юзасидан бамаънавият иш олиб борилмоқда.

Зеро, ҳар бир оиланинг бирлиги, моддий ва маънавий барқарорлигига ота-сабабчи бўлгани каби, маҳалланинг обрўси унга етакчилик қилаётган оқсоқол ва маслаҳатчилари шахсининг улугворлигига батамом боғлиқдир. Фикри теран, ҳаёт долғаларида обдон пишиб етилган, билимдон ва олижаноб, ахлоқий фазилатлари билан ўрнатқуч бўла оладиган инсонни маҳаллага бошчилик қилиш учун йўллади Ишчи гуруҳнинг энг муҳим вазифасидир.

Маҳалладаги Амир Темури, Хонобод, Ерқўча, Мустақиллик, Дўстлик, Навбахор, Гулрайхон, Бог қўчаларида яшовчи аҳолидан 3050 нафари сайлов жараёнида иштирок этади. Сайловчилар билан учрашувлар мобайнида бу ҳуқуққа ўта масъулият билан ёндашиш зарурлиги ўқитиб келинмоқда.

Ҳамжиҳатлик бараканинг калитидир, — дейди маҳаллада истиқомат қилувчи Олимжон ота Имомов. — Оиламиз билан шу ақдага амал қилиб кам бўлмадик. Оллоҳга шукр, фарзандларим ҳам оиламиз аъёнларини давом эттириб, тadbirkorлик фаолияти билан шугулланиб, муваффақиятга эришмоқда. Қолаверса, бир неча йилдан бери маҳалладаги 50-60 нафар ёшани иш билан таъминладик. Бу ҳам бўлса, маҳалладаги оқибат, бир-бирини суяш каби қадриятлар сабабидан. Сайловда эл ишончига сазовор бўлган киши маҳалланинг оқибат ришталарини янада мустаҳкамлайди, деб ишонаман.

Олимжон ота сингари ҳар бир боягонлик тараққиётга тўла қўнлар яна янги босқичга кўтарилишига, маҳалланинг сайловдан кейинги ҳаёти бундан-да жўшқин бўлишига ишонмоқда.

Аббосхон МАМАДАЛИЕВ,
Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси
касбабу уюшма кўмитаси раиси,
«Боягон» МФЙ Ишчи гуруҳи раҳбари

Қарши шаҳрида тубдан қайта реконструкция қилинган Амир Темури кўприги ва унинг атрофида барпо этилган гўзал хиёбон фойдаланишига топширилди. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган бу тadbirkor давлат ва жамоат ташкилотлари, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Қашқадарё вилояти ҳоқими З.Рўзиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари юксак самара бераётганини таъкидлади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтисодий-ижтимоий инфратузилма ривожланиб, шаҳар ва қишлоқларимиз замонавий қиёфа касб этмоқда. Қарши шаҳри ҳам ҳар томонлама кўркамлашиб, аҳоли учун барча зарур шароит яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 июлдаги «Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриямал бўлаётди.

Буюк Амир Темури томонидан барпо этилган маъзур кўприкнинг Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик

байрами арафасида тубдан реконструкция қилиниб, фойдаланишига топширилганида ҳам чуқур рамзий маъно мужассам.

Бу тарихий кўприк қадимда Қашқадарё дарёсининг икки қирғоғини ўзаро боғлаб, халқаро ижтимоий-иқтисодий алоқаларга восита бўлган. Ўрта асрларда Насаф орқали Эрон ва Хиндистонни Европа билан боғлаган муҳим қарвон йўллари ўтган. Шу боис бу воҳа асрлар давомида гуллаб-яшнаган. Олим ва сайёҳ Герман Вамберининг ёзишича, 1860-йилларда Қарши шаҳрида 10 та қарвонсарой, катта бозор, шаҳар аҳолиси дам оладиган бог бўлган. У бундай богни бошқа юртларда учратмаганини алоҳида қайд этган. Бугун ўша тарихий бог ҳам қайта тикланди.

Амир Темури кўприги қайта тиклангани ва унинг атрофида гўзал хиёбон барпо этилгани Қашқадарё

аҳолиси учун кувончли воқеа, катта байрам тўҳфаси бўлди. 700 йиллик тарихга, пухта ва мустаҳкам муҳандислик ечимларига эга ушбу иншоот қайтадан гўзал қиёфага эга бўлиши Президентимиз раҳнамолигида тарихимизни ўрганиш, тиклаш ва асраб-авайлашга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

— Мустақиллигимизнинг ҳар кунинда бир мўъжиза яратилмоқда, десак хато бўлмайди, — дейди миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Жалолиддин Шерназаров. — Амир Темури бобомиз қурдирган ушбу кўприкнинг бутунлай янги қиёфа касб этиши мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйига ажойиб тўҳфа бўлди. Бугун юртимизнинг қай бир чеккасига борманг, улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Бунёдкорлик халқимизга хос юксак фазилат. Биз, ёшлар қайси соҳада фаолият юритмайлик, ана шундай жасур, мард ва фидойи аждоқларимизга муносиб бўлиш, Президентимиз раҳнамолигида яратилаётган шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланишимиз лозим.

»(2).

Ёзги соғломлаштириш

Тошкент Марказий темир йўл вокзалида оромгоҳларга дам олиш учун келган хоразмлик 450 нафар ўғил-қиз тегишли мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан кутиб олинди. Улар сўлим масканларда жойлашган «Меҳржон» ва «Бойчечак» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордик чиқаришади.

Болаликнинг бахтли онлари

— Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган оромгоҳимизда дам олувчилар учун барча шароит мўҳайё этилган. Жорий мавсумда 800 нафар ўғил-қизни соғломлаштирамиз. Мавсум тўрт навбатда ташкил этилиб, бугун биринчи навбатга уларнинг 225 нафарини қабул қилляпмиз, — дейди «Меҳржон» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Олимжон Турсунбоев. — Болаларга 5 маҳал овқат берилди. Уларнинг мазмунли дам олиши учун барча имконият ишга солинадди. Спорт майдончалари, маънавият хонаси, кутубхона шай ҳолатга келтирилган. Турли тўғрақлар фаолият курсатади.

Оромгоҳ қошида ташкил қилинган «Меҳржон» фермер хўжалигида етиштирилган ҳўл мева, полиз маҳсулотлари дам олувчиларга доимий етказиб берилди. Таниқли шоир-ёзувчилар, спортчилар билан учрашувлар, санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари ташкил этилади.

— Кела-келгунча юртимизнинг гўзал ва мафтункор манзараларини шавқ билан томоша қилиб, зериктиш нималигини ҳам билмадик, — дейди Қўшқўпир туманилик Жавлон Бобонозов. — Олдиданги кувончли онларни ўйлаб, янада ҳаяжонга тушялман. Сабаби, дўстларим сафи янада ортиб, гўзал табиат қўйнида мириқиб дам оламан.

— Исми Ислам. Мен ҳам қўшқўпирликман, — дея сўхбатга қўшилади яна бир болакай. — Сўлим маскандаги оромгоҳда дам олиш имконига эга бўлганимдан бениҳоя хурсандман. Уйлайманки, «Бойчечак» оромгоҳи бағрида ўтадиган турли маданий-маърифий, спорт тadbirkorлари, қизиқарли ўйинлар, шоир-ёзувчилар, спортчилар, санъаткорлар билан учрашувлар менга бир олам завқ ва таассурот улашади.

Болаларнинг бирин-кетин автобусларга чиқиб, оромгоҳлар томон йўл олишиди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» муҳбири



Ходимлар гимнастикаси

Соғлом муҳит — тараққиёт пойдевори

Жисмоний баркамоллик нафақат инсон, балки у яшаб турган жамият учун ҳам сув билан ҳаводек зарур. Ўзбекистон касбабу уюшмалари Федерацияси Кенгашининг устувор вазифалари қаторида меҳнатқашлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, оила аъзоларини спортга кенг жалб этиш, бу орқали ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳақида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш каби масалалар ҳам унинг эгаллаганида ўзига хос ҳикмат бор.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан «Соғлом оила» шiori остида ташкил этилган спорт мусобақалари Федерацияси Кенгашининг бу йўналишдаги хайрли ишларидан бири бўлди. Дастлабки босқичда 22 минг 763 та қорхона ва ташкилотдан 100 минг 329 та оилавий жамоа иштирок этган мусобақанинг якуний — республика босқичида 84 оилавий жамоа голиблик учун курашди. «Касаба-тур» мусобақаларида эса миллионлаб ҳаваскор велоспортчилар иштирок этди.

Турли спартакиадалар, ҳаваскор велоспортчилар ўртасида ўтказилаётган «Касаба-тур» мусобақалари қаторида меҳнат жамоаларида йўлга қўйилаётган ходимлар гимнастикаси ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қиломоқда.

»(4).

Тарихий кўприкнинг замонавий қиёфаси

Ў. Президентимиз Ислам Каримов 2015 йил 30 июн куни вилоятга ташрифи чоғида мазкур маскани халқимиз дам оладиган гўзал ва замонавий хиёбонга айлантириш бўйича зарур тавсиялар берган. Утган қисқа вақт ичида бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Амир Темури кўприги замонавий талаблар асосида қайта барпо этилди. Қашқадарё дарёсидан учта тўғон қурилди. Қирғоқ бўйидаги эски бинолар ўрнида гўзал хиёбон бунёд этилди. Дарё соҳили бўйлаб кемадор тўхтайдиган тўртта жой қурилиб, ёритиш усунлири ўрнатилди. 51 катамаран, 2 туристик катер ва 4 аттракцион келтирилди. Дарё қирғоғи бўйлаб 14 коттеж, 4 кафе-бар, болалар майдон-

чалари, 4 сунъий қопламали спорт майдончаси барпо этилди. 4 километр ичимлик суви, 4,2 километр канализация, 29,3 километр электр тармоғи тортилди. 144,8 минг квадрат метр майдонни сугоришга мўлжалланган усунлири ўрнатилиб, хиёбон тўлиқ кўкаламзорлаштирилди. 4 мингдан ортиқ манзарали дарахт ва буталар экилиб, қарийб 68 минг квадрат метр майдонга брусчатка ётқизилди.

Кўприк ва унинг атрофида барпо этилган кўркам сайилгоҳ нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки чет эллик сайёҳларнинг ҳам сеvimли масканига айланади.

— Қадимий Қарши ва Шахрисабз шаҳарлари менда катта таассурот қолдирди, — дейди хитойлик сайёҳ Лин Хай. — Дунёнинг кўлаб мамлакатларида бўлганман, лекин Ўзбекистондек гўзал юртни кўрганим йўқ, десам ишонаве-

ринг. Табиати бетакрор, одамлари хушмуомала, меҳмондўст, турли миллатлар бир оиладек аҳил-иноқ яшаётган Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлат бўлишига барча асослар бор. Хитой оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ҳақида, узоқни кўра оладиган дошиман Президент Ислам Каримов ҳақида кўп ўқиганман, эшитганман. Бугун Ўзбекистонга келиб, бу ерда амалга оширилаётган ишларни кўриб, бунга ўзим бевосита гувоҳ бўлиб турибман. Қалби гўзал ва нияти улғ инсонларгина бундай эзгу ишларга қодир бўлади.

— Ўзбекистон қадимий ва буюк тарихга эга кам сонли давлатлардан бири. Бу диёр мени тарихий обидалари, миллий қадриятлари, гўзал табиати ва бағрикенг халқи билан мафтун этди, — дейди суданлик сайёҳ Исмаелдин Аҳмад Абдулрахмон. — Тарихий обидаларнинг мукаммал, ўзига хос меъ-

морчилигига тан бермасдан илож йўқ. Неча минг йиллик миноралар ҳамон янгидай қад ростлаб турибди, охори тўқилмаган. Халқ бу тарихий меросини кўз қорачигидек асраб-авайлаб келмоқда. Ўзбекистон ўз келажagini ўз кўли билан қурмоқда. Мана бу тарихий кўприк, унинг атрофида барпо этилган гўзал хиёбон шу даражада уйғунки, гўё ўтмиши буюк халқ ўзининг бугуни ва келажagini ҳам шундай улғулаётгандек туюлди менга.

Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар тadbирга байрамонга кайфият бағишлади.

Tadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Ўлмас БАРОТОВ,
Ўза мухбири
Ўза фотомухбири
Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган суратлар

Фаолиятга назар

Сиҳатгоҳимизда асосан ҳаракат-таянч ва асаб тизими касалликлари даволанади. Йилга 2025 нафар кекса, ногирон, уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат кўрсатадиган ушбу санаторийда нафақат қорақалпоғистонлик, балки Хоразм вилоятдан келадиган отахон онахонларнинг кўнгилли дам олиши, соғлигини тиклашига ёрдам берилади.

Қариялар дуосин олиб

Шифо истаб келган ҳар бир дам олувчи соғлиги малакали тиббиёт ходимлари томонидан назоратга олинади. Ташхисдан кейин замонавий тиббий усунлирида муолажа ўтказилади. Сифатли таомлар, озода, шинам хоналар, хушмуомала ҳамшираларимизнинг ширин сўзи нурунийлар кайфиятини кўтаради. Мароқли дам олиб, соғлигини тиклаб оиласига қайтаётган кексалар дуога қўл очганда, касбимиздан фахрлиниб кетамиз. Хукуматимиз томонидан берилётган эътибор туфайли ўтган йили санаторий биноси таъмирдан чиқарилиб, замонавий қиёфа касб этди. Муассасамизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш баробарида, 52,1 миллион сўмлик тиббий усунлири ва жиҳозлар олиб берилди.

Дам олувчиларга малакали хизмат кўрсатиш мақсадида физиотерапия, гидротерапия, парафин-оэкерит муолажаси, кислород билан даволаш, қўёш ваннеси, фитобар, лаборатория, стоматология, ўқалаш хоналари, ЛФК каби махсус хоналар мавжуд. Китобсевар нурунийлар учун кутубхона эшиги доимо очик. Ёши улғуларимизни хоҳиш-истагига қараб воҳамиздаги зиёратгоҳларга, музей ва Нукус шаҳрининг диққатга сазовор масканларига олиб борамиз. Уруш ва меҳнат фахрийларини, ёлғиз, ижтимоий муҳофазага муҳтож отахон ва онахонларимизнинг соғлигини тиклаш йўлида олиб борилаётган ишларимизни ҳомий ташкилотлар яқиндан қўлаб-қувватлаб келмоқда. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида йил бошидан буён 17,9 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари, «Нуруний» жамғармаси ўз ҳомийлик ёрдами аямади.

Тахиятош иссиқлик электр станцияси маъмурияти сиҳатгоҳимиз атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ёрдам берапти. Жамоа шартномасига мувофиқ маъмурият билан ҳар бир ишда маслаҳатчимиз. Турли байрамлар ва ишчиларнинг туғилган кунлари муносиб нишонланади.

Меҳнат жамоамизнинг аҳиллиги, ҳамжихатликда олиб борган саяҳатлари билан худудимизни обод ва гўзал масканга айлантирганмиз. Сиҳатгоҳимиз атрофида мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар экилган. 66 сотих ерда этиштирилаётган полиз экинлари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни таъминламоқда.

Дарвоқе, Хотира ва қадрлаш кўни арафасида ташкил этилган маданий тadbирга санъаткорлар билан бирга, шаҳримиздаги болалар уйининг «Ҳажжи тарбияланувчилари» ҳам таширф буюрди. Уларнинг тайёрлаб келган концерт дастури отахон ва онахонларимизни жуда мамнун этди.

Ушбу муассасада меҳнат қилар эканмиз, қарияларимизни қадрлаш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги ишларимиздан чексиз фахр туямиз.

Кундуз ЕРИМБЕТОВА,
«Тахиятош» санаторийси касаб
ушма кўмитаси раиси

Саноат

«Peng-Sheng»
Ўзбекистон-Хитой
қўшма корхонасида
бугунги кунда
ўндан ошқ турдаги
маҳсулотлар
ишлаб чиқарил-
моқда.

Меҳнат
шароити янада
яхшиланади

Корхонада 1300 дан зиёд ходимдан 155 нафарини чет элликлар, 385 нафарини маҳаллий ёшлар ташкил этди. Сирдарё вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан қўшма корхонада ташкил этилган давра суҳбати аъзолар, асосан, ёшлар меҳнатини ижтимоий-иқтисодий қўлаб-қувватлаш масалаларига бағишланди.

Унда вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудир Дилмурод Пирманов иштирок этиб, кун тартибидagi мавзу асосидан батафсил тушунча берди.

Тadbир давомида корхонада меҳнаткашларга яратилган шароитлар, ижтимоий, ҳуқуқий масалалар атрофида муҳокама этилиб, мавжуд муаммолар ечими, амалга оширилиши зарур бўлган ишлар бўйича фикр алмашилди.

Соҳага оид меъерий ҳужжатлар, ёшлар меҳнатига доир имтиёзлар, меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатини ифода этувчи асосий омиллар каби масалалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бошланғич ташкилотларда бундай давра суҳбатлари ташкил этилаётгани ёш ходимлар ўз ҳуқуқини чуқур билишига, меҳнат шароитининг янада яхшилланишига хизмат қилаёттир.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ўқув

Ҳисобчилар билимини оширди



ЎзКУФК Ўқув марказида Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаб уюшмаси тизимидаги йирик касаб уюшма кўмиталари ҳисобчилари бир ҳафта давомида малака оширилди.

Тингловчилар ўқув давомида амалий машғулотларда қатнашиб, билимларини бойитишди.

Темурийлар тарихи давлат музейига қилинган саяҳат уларда катта таассурот қолдирди.

Маҳфуза РОЗИҚОВА,
Ўзбекистон транспорт,
йўл ва капитал қурилиш,
қурилиш индустрияси
ҳодимлари касаб
уюшмаси бош
ҳисобчиси.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Семинар

Муҳим вазифаларга бағишланди

Қорақалпоғистон Республикаси касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ўртасида тузилган режага мувофиқ жойларда «Ёш ходимларнинг меҳнат фаолиятида меҳнат қонунчилигига оид ҳуқуқий билимларини ошириш» мавзусида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Навбатдаги тadbир Хўжайли шаҳрида ўтказилди.

Семинарда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб уюшмаси туман кенгаши тасарруфига кирувчи муассасаларнинг касаб уюшма етакчилари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари қатнашди.

Бирлашма кенгаши юридик бўлими мудир П.Турсиновнинг «Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари-

ни амалда қўллаш ўзгачалиги» ва Адлия вазирлиги етакчи маслаҳатчиси У.Жаксимуратовнинг «Ёшлар учун қўшимча кафолатлар» мавзусидаги маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шарофатдин НИЯЗИМБЕТОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари
касаб уюшмаси Хўжайли
туман кенгаши раиси

Қўлланмалар тарқатилди

Вобкент туман ҳокимлигида вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан меҳнатни муҳофаза қилишга бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, Таълим, фан ва маданият, Агрисаноат мажмуи ходимлари касаб уюшма

ташкilotлари вакиллари, бошланғич ташкилот етакчилари, меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандислари ва жамоатчилик асосида сайланган меҳнатни муҳофаза қилиш вакиллари иштирок этди.

Tadbирда бирлашма кенгаши бўлим бошлиғи Хаитбек Барноев, етакчи мутахассиси Иброҳим Бердиев сўзга чиқиб, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларига амал қилиш, бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларига чалинишининг олдини олиш, тиббий кўриқдан ўтказиш, махсус кийимлар, сут маҳсулотлари билан таъминлаш каби долзарб вазифалар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтишди.

Кўргазмали слайдлар намойиш этилиб, меҳнатни муҳофаза қилишга доир янги қонунлар, қонуности ҳужжатларга риоя этиш борасида жойларда ходимлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришни янада қучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Семинар якунида иштирокчиларга мавзуга оид қўлланмалар тарқатилди.

Нусрат ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо
ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари
ҳодимлари касаб уюшмаси
Вобкент туман кенгаши раиси

Аъзолик афзаллиги

Бошланғич ташкилот — вилоятда етакчи

Юртимизда хорижий сармоя асосида фаолият юритаётган корхоналар сонининг кўпайишида чет эл инвесторлари учун яратилаётган шароит муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, кейинги йилларда текстил ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ катта лойиҳаларга қўл урилмоқда.

Қўқон шаҳрида фаолият юритаётган «Индорама-Кўқон» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шаҳардаги собиқ лампа заводи худудини қайта жиҳозлаб, 2012 йилда 350 нафар тўқувчи билан иш бошлаган корхона йил сайин ишлаб чиқариш қувватини оширмоқда. 2013 йилда фабриканинг иккинчи қуввати ишга тушиши натижада тўқувчилар сони 850 нафарга этди. Яъни, шаҳар ва унинг атрофидаги туманларда яшай-

диган аёллар муҳим иш ўрнига эга бўлишди. Утган йил бошида учинчи қувват ҳам ишга туширилиб, иш ўринлари янада кенгайди. Жамиятда дастгоҳларни қайта жиҳозлаш жараёни изчил давом эттирилмоқда. Йил бошида Швейцария ва Германиядан замонавий русумдаги дастгоҳлар келтириб ўрнатилиши маҳсулот сифатини янги даражага кўтарди.

Ҳозир корхона цехларида 4000 тонна пахта толаси қайта ишланиб, компакт калава иплар ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, бу ерда тай-

ёрланган маҳсулотлар юз фоиз хорижга экспорт қилинаёттир. Айни кунларда корхонанинг бешинчи қуввати ишга тушиш арафасида. Натияжада, иш ўринлари 1200 тага етади.

— Мазкур жамоада 2013 йилдан буён касаб уюшма кўмитаси фаолият юритаётгани маъмурият ва ходимлар учун бирдек қўлайлик яратмоқда. Худудимизда меҳнат қилаётган ҳар бир меҳнаткаш, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоялаш алоҳида эътиборда, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Муқаддасхон Абдуллаева. Дарҳақиқат, корхонада ишчилар

учун шарт-шароит, ижтимоий кафолатлар яратилган, моддий ва маънавий қўлаб-қувватлаш борасида мазкур бошланғич ташкилот вилоятда етакчилардан саналади.

Жамоада иш тўрт навбатда ташкил этилган бўлиб, ходимлар бепул тушлик, ишга қатнаш учун транспорт воситаси, махсус кийимлар билан таъминланган. Корхонага қарашли тиббий бўлинмада 5 нафар малакали шифокор хизмат кўрсатади. Ходимлар корхона ҳисобидан йилга бир марта бепул тиббий кўриқдан ўтказилади. Корхонада «Устоз-шогирд» йўналишида ҳам қатор ишлар амалга оширилиб, тегишли коллеж ўқувчиларининг кўнчилиги доимий ишга жойлашишга муваффақ бўлмоқда.

— Жамоа шартномасида хотин-қизларга қўлай меҳнат ва дам олиш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди бошланғич ташкилот етакчиси Нўрможинон Шарипов. — Ишлаб чиқариш қуввати орттиши билан даромадимиз ҳам кўпаймоқда. Шунга қўра, ишчиларимиз нуфузли сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклаши учун бериладиган йўлланмалар сонини янада кўпайтириш ҳамда фарзандларини ёғи соғломлаштириш мавсумида дам олдириш борасида имкониятимиз яхшиланмоқда.

Корхонада спорт-соғломлаштириш ишларига катта эътибор қаратилади. Теннис, мини-футбол, волейбол, қишқи спорт майдонлари ишчилар ихтиёрида. Натияжада, корхона ходимлари спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, совринли ўринларини қўлга киритмоқда.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Танлов

Йилнинг энг фаол ёш олими

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа қатор муассасаларнинг «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловини ўтказиш ҳамда «Ёш мутахассислар» республика форумини ташкил этиш тўғрисидаги қўшма қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ва бирлашган касаб уюшма кўмитаси раёсати қарори қабул қилинди.

Шунга асосан илмий тadbир қот муассасалари Ёш олимлар кенгаши, бошланғич касаб уюшма кўмитаси раислари ва танловда қатнашиш истагини билдирган ёш олимлар иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Йиғилишни ЎзФА бирлашган касаб уюшмаси кўмитаси раиси, танлов ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раиси ўринбосари Ш.Жўраев олиб борди.

Қайд этилганидек, жойларда ёш олимлар олиб бораётган изланишлар долзарблиги ҳамда фан ва технологияларни янада ривожлантиришга йўналтирилганига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда ЎзФА тасарруфидаги барча илмий тadbир қот муассасаларида, минтақавий бўлимларда 100 дан ортиқ ёш олим ўзаро баҳсга киришган.

Йиғилиш иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олишди.

Ш.ОТАХОНОВ,
ЎзФА Ёш олимлар
кенгаши аъзоси

Она-юрт бағрида порлар чироқлар

«(1). Оқтош худудида эгизаклар янглиг уч қишлоқ: Хондайлик, Соилик, Чимбойлик жойлашган. Айнан ораликда тилга олинган сўлим масканда ўн фарзандни вояга етказган ўта камтарин, меҳнатсевар ва маънавияти баланд Абдуваҳоб ота Баратов яшаб ўтди. Бу инсоннинг фарзандлари Соиликда туғилсада, аждодлари Чимбойлик қишлоғида умргузаронлик қилганликларини айтади. Пайти келиб, Чимбойликда мактаб директорлигига номзод керак бўлади. Раҳбарларнинг таклифи билан бу вазифа Абдуваҳоб Баратов зиммасига юкланади. Қарангки, ҳар куни Соилик қишлоғидан гоҳ пиёда, баъзан от миниб Чимбойликка қатнаб ишлашга тўғри келса-да, бирон марта нолиганини ҳеч ким эшитмади. Ваҳоланки, оилада ўн фарзанд ва вафодор аёлнинг кўзлари тўрт бўлиб уни кутиб ўтириш одатга айланган бўлиб, падари бузруквор келгандан кейингина овқатга қўл уриларди. Энг оғир ва масъулиятли вазифа эса фарзандларни билимли, одобли қилиб ўстириш, уларнинг порлоқ келажagini таъминлашдан иборат эди. Ушбу довлардан ота мардонавор ошиб ўта олди: барча фарзандлари олий маълумотли, оилали, бола-чакали, севган касбларини эгаллаган, чин ватанпарвар бўлиб етишди. Моҳир раҳбар етакчилигида Чимбойликдан ҳам эл-юртга сидқидилдан хизмат қилган йўлчи ва Элчи Файзибоев, Суруб ва Макир Йўлдошев, Мирсоат Ражабов каби фидойилар етишиб чиқди.

Абдуваҳоб Баратов фарзандларини баравар кўрар, ҳаммаларига талабчан, меҳрибон ва жонқуяр ота эди. Билими-билмайми, айниқса

еттинчи фарзанди Фотима билан кўпроқ суҳбатлашиб ўтирарди. «Бу қизим албатта шифокор бўлади», деган гапни кўпроқ такрорлар эди. Ҳаётда биз интилган довлар баъзан баландлик қилади ёхуд омад вақтинча кулиб боқмаслиги мумкин. Шундай дамларда инсоннинг бардоши, қатъияти синовларда тобланади. Шифокорлик олийгоҳи имтиҳонларидан қизи ўта олганини эшитган ота руҳида тушқунлик аломатлари кўрингандек бўлди-ю, дарҳол ўзини тугиб олди.

— Дадажон, мен албатта шифокор бўламан! — дея падари бузрукворини руҳлантирди қизи ҳам.

Тиришқоқ қиз пайсалламай Чирчиқ шаҳридаги тиббиёт билим юртига ўқишга кирди ва уни 1980 йили аъло баҳолар билан тамомлаб, Бўстонлик туманидаги марказий касалхонага ҳамширалик вазифасига ишга жойлашди. Худди шундай ҳаракат билан Тошкентдаги Абдулла Қодирий номи Маданият институтини сиртдан тамомлаб, олий маълумотли бўлди.

Ажойиб кунларнинг бирида касалхонага суқсурдек йигит оғир аҳволдаги беморни олиб келиб, бунга ҳам қаноат ҳосил қилмай, ўта кунчоқлик билан уни палатага жойлаштирди. Фотима астойдил кўмаклашди. Кўз кўзга тушди, юраклар қалқиб кетди. Бу йигит Сижжак қишлоғида туғилиб ўсган Каримберди Ашрапов эди. Ширингина оила вужудга келди. Каримбердининг касби инженер-муҳандис, Фотима олий тоифали катта ҳамшира. Икки ўғил ва бир қизни вояга етказди-лар...

Дарвоқе, Соғлом она ва бола йилда нафақат марказий касалхона, балки Бўстонлик туман тиббиёт бирлашмаси доирасида ҳам жуда

катта ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, турғуқ бўлими биноси тўлиқ таъмирланади, бунинг учун салкам икки миллиард сўмлик тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Хуллас, 2016 — 2017 йиллар давомида тумандаги ҳамма шифоналар тўлиқ таъмирдан чиқарилади.

Аҳоли саломатлигини сақлаш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ушбу соҳа раҳбарлари қатори Фотима Ашрапова сингари фидойилар зиммасига ҳам катта масъулият юклamoқда.

Тарихи жуда олис-олисларга бориб етадиган Бўстонликда Фотима Ашрапова каби турли соҳаларнинг уста вакиллари, Ватан фидойилари кўплаб топилади. Юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида кечаю кундуз тиним билмай изланаётган Муҳаббат Тўхтаева Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига яқдлик билан иккинчи бор сайланди.

Муборак номига монанд тарзда бог-роғлар яратаётган, сифатли ва сархил маҳсулотлар етиштираётган богбону деҳқонлар Бўстонликда бисёр. Кўптармоқли фермер хўжалигини моҳирона бошқариб, Оқтош худудини гуллаб-ғанимат қилганлар қаторида Элмира ҳам бор. У муҳом бунёдкорлик билан банд эсада, муҳтожларга таянч, зориққанларга суянч бўлмоқликни ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Бўстонлик юлдузлари сифатида сойлиқлик Тохир Рустамбоев, баланд тоғлар бағрида жавлон ураётган бурчимуллик Абдукарим Абдуҷамилов, Жўрабек Одинаев, Чирчиқ дарёсининг чап соҳилида ибрат курсатаётган Пернебек Абдиқулов, ўнг қирғоқ илғорларидан бўлмиш Абдунўмон Тешабоев ва бошқа кўп

азаматларнинг номларини алоҳида санаб ўтиш мумкин.

Ҳаёт яралибдики, гўзал бу маконда инсонлар яшаган. Обираҳмат форида топилган бир неча минг йиллар муқаддам бу томонларда истиқомат қилган одамзот қолдиқлари ҳам буни исботлайди. Қолаверса, Буюк ипак йўлининг бир тармоғи Бўстонликдаги Пском водийси оша Қирғизистонга ўтади ва у орқали Хитой давлатига бориб етади. Оламга номлари машҳур буюк инсонларнинг кўпчилиги жаннатмакон Бўстонликда кўним топиб, умргузаронлик қилганлар. Шайх Хованди Тоҳурнинг падари бузруквор ҳамда Хожа Аҳрор Валийнинг бобокалони Шайх Умар Валий Боғистоний Бўстонликдаги Боғистон қишлоғида яшаб ўтган. Каптаркумуш ота, Булғор ота, Қорамозор ота, Оксоқ ота, Энка ота сингари улуғлар макони ҳам Бўстонликда...

Улуғ адиб Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, одамлар яхши ният билан яшасалар, ер отлиг Оллоҳ мулки ҳаммага етади. Ўтмишдаги муҳиш воқеалар ёдимизга тушганда тобора танқис бўлиб бораётган тинчлик ва хотиржамликни чуқурроқ тушунгандек, қадрига етгандек бўлаемиз. Унинг ривожига, она диёримиз тараққиётига астойдил ҳисса қўшимиз келади. Айниқса, авлодларимизнинг ҳар томонлама камол топган улуғ инсонлар бўлиб етишувини жондилдан истаимиз. Чунки фарзандларимиз бўйда ҳам, ақлда ҳам, билим ва олижанобликда ҳам биздан баланд бўлсалар, ҳеч қачон хорзорликка йўлқаймай, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз...

Биз энди қадимги лоқайд кимсалар эмас, атрофимизга дадил ва зийрак боқувчи ҳушёр, чин маъно-

даги ватанпарвар инсонлар сафида бўлмоғимиз шарт. Чунки мустақил Ватан ўзимизники, ушбу юрт тақдирини ҳаммамизнинг тақдиримиздир. Яхшилик кўпайган сайин ёмонлик чекинади, бутун Ватанимиз бўйлаб, шу жумладан, Бўстонликда ҳам чироқлар ёрқинроқ чарақлайди...

Соғлом она ва бола йили, айниқса, биз — эркаклар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Аввало, мен қандай ашмоғим керак, деган саволга ўринли жавоб топиб, гоҳ мураккаб шу йўлга ўзимизни чоғлаб олайлик. Хўш, «эркакман» деб кўксини баланд кўтариб юрган зотлар қандай бўлмоғи лозим? Жонажон Ватанини жон қадар севиб, мардонавор ва олижаноб фаолиятлари туфайли халқи ва оила аъзолари меҳр-муҳаббатларини қозониб яшаш қайда-ю, жирканч иллатларга қорилиб юриш қайда?! Ҳа, ҳақиқий эркак деган номга муносиб бўлиш осон эмас! Назаримизда, ҳақиқий мард йигит Ватани, оила ва бола-чақаси тинчлиги, хотиржамлиги учун доимо кўрак кериб майдонда турсин, ҳамма оғирликларни ўз зиммасига олсин! Ўзининг мардлиги, олижаноблиги, меҳр-муҳаббати билан ватандошлари, оила аъзолари ва яқинлари хурмат-эътиборини қозонсин!

Ҳаммамиз кутлуғ сана арафасида турибмиз. Мустақиллигимизнинг чорак асрлик улуғ тўйи барчамиздан қувончли ҳисобот кутмоқда. Шубҳа йўқки, азиз диёримизда зўр тантаналар билан нишонланадиган ушбу катта тўйга ҳар ким муносиб совға билан боражадик.

Асад АСИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
юшмаси аъзоси

Устоз-шоғирд
тизими — амалда

Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Давлат
дон инспекцияси дон
ва донни қайта ишлаш
маҳсулотлари устидан
давлат назорати
соҳасида маҳсус
вақолатли бошқару-
вормани ҳисобланиб,
ҳодимларни танлов
асосида ишга қабул
қилади.

Ишга қабул қилинган ходим учун илк кунлардан бошлаб ҳам назарий, ҳам амалий синовлар бошланади. Ҳали иш тажрибасига эга бўлмаган, ёш мутахассис доимо атрофидаги малакали ходимлардан ўрганади, билмаганларини сўрайди. Инспекциянинг тажрибали, соҳада узоқ йиллардан бўён фаолият юритаётган мутахассислари янги қабул қилинган ходимларга ҳар томонлама қўмак бериб келаётин.

«Ўздавдонинспекция»да ходимлар билан бошқарма-бошқарма иш олиб бориш, уларнинг сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида тизимли равишда ўқув-машғулотлар, семинар ва давра суҳбатлари ўтказиш йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Оилада соғлом муҳитни яратиш, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш, ёшларга соғлом турмуш тарзини сингдириш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилапти. Жумладан, жорий йилда «Маънавият оиладан бошланади», «Оила — жамиятнинг муҳим бўғини», коррупция, диний экстремизмга қарши кураш каби мавзуларга бағишланган семинарлар ўтказилди. Ушбу семинарларда республика «Оила» илмий-амалий марказидан вакиллар иштирок этишди.

Ҳозирги даврда ҳеч бир соҳани замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис инспекцияда ходимларнинг компютер саводхонлигини ошириш борасида кўплаб ишлар олиб борилади.

«Ўздавдонинспекция»да фаолият юритаётган 71 нафар мутахассис-ҳодим ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича ташкил қилинган ўқув курсларида «Электрон ҳуқуқат», «Компютер техникаси ҳамда интернет тармоғида ишларни олиб бориш» йўналишлари бўйича ходимларни битирган барча мутахассислар маҳсус сертификатлар тақдим этилди. Бойитилган билимлар иш жараёнида ходимларга қўл келаётин.

Танлаган соҳасига меҳр қўйиш, сеvimли касбда сидқидилдан ишлаш ёш мутахассисларнинг ҳаёт йўлида ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Босит
УМАРХУЖАЕВ

Муносабат

Ўзбекистон ёшлари бугунги кунда нафақат республика, балки дунё миқёсида ўзининг ақл-заковати, шижоати, интеллектуал салоҳияти, келажакка интилувчанлиги билан эътибор қозонмоқда. Уларда таълим-тарбия, маънавий-матрифей, ижтимоий-ҳуқуқий, спорт-соғломлаштириш каби кўплаб йўналишларда ривожланган давлатлар ёшлари билан беллашиш кўникмалари шаклланаётин.

Сайлов ва сайланишда фаоллик

Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Бугунги кунда катта умид, орзу-мақсадлар билан, Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, деб белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган, азму шижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланаши керак». Дарҳақиқат, фаол ёшларимиз Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга дахлдорлик ҳисси билан яшamoқда. Йигит-қизларимиз юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирок этишмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда истиқлол йилларида юксак демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, ҳар кимнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди. Шу боисдан ҳам сайловга юксак савияда тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш, фуқаролар, жумладан, ёшларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириши учун шарт-шароит яратиш борасидаги қонун ижодкорлиги изчил тарзда тақомиллаштириб боришмоқда.

Жорий йилнинг май — июн ойларида бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг оқсоқоллари сайловларида ҳар томонлама муносиб номзодларнинг сайланиши — маҳалла институти мавқеини янада оширади. Зеро, ушбу сайловда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 мингдан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилган. Ўйлаيمизки, ушбу лавозимларга эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган ҳамда ишчан ва ташаббускор фуқаролар, ҳатто айрим ҳолларда фаол ёшлар ҳам сайланиши мумкин.

Эртамиз эгаларининг танлаган ҳаёт йўлида собитқадамлиги, эзгу мақсади томон интилувчанлиги уларнинг сайловдаги фаол иштирокида ҳам ақл этмоқда. Бу ёшларимизнинг фикрлаш тарзи, ҳуқуқий билими, сиёсий маданияти ва онги янада юксалиб бораётганидан далолатдир.

Насиба ТУРҒУНОВА,
ИИВ Академияси Демократик жамият қурилиши
назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси

Қарор ва ижро

Ижтимоий ҳимоя — устувор вазифа



Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги «Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ривожини таъминлашга хизмат қилаётин.

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида мазкур қарор ижросини баҳарий ма-салаларига бағишланган услубий-амалий семинар ўтказилди. Унда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Нуроний» жамғармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Қизил ярим ой жамияти, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари масъул ходимлари иштирок этди. Семинарнинг бошқарманинг тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш сектори бошлиғи Алишер Иноқов олиб борди.

Қайд этилганидек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида пенсионер ва ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш сектори, 18 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларида эса унинг бўлимлари янги-янги ташкил этилди. Ушбу муассасаларда 39 та мутахассис ва 206 нафар ижтимоий ходим фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда 1600 нафар ўзгалар парваршига муҳтож яқка-ёлғиз кекса ва ногирон ижтимоий хизмат кўрсатиш билан қамраб олинган

бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида улардан 508 нафари 317,5 млн. сўмлик 15 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиеник воситаларга белул етказилди. Семинарда олиб борилаётган шу каби ишлар ҳақида батафсил маълумот берилиб, соҳада доир маърузалар тингланади.

— Шаҳримизда 100 нафар ўзгалар парваршига муҳтож яқка-ёлғиз кекса ва инкониати чекланган инсонлар истиқомат қилади, — дейди Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси раҳбари ўринбосари Мавлуذا Исабекова. — Уларга 11 нафар ижтимоий ходим хизмат кўрсатади. Ҳозирга қадар 57 нафар ёлғиз кексага озиқ-овқат ва гигиена воситалари тақдим этилди. Шунингдек, уларнинг барчасига уйда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатаймиз. Бугунги тадбирда ёрдамга муҳтож инсонларни рўйхатга олиш, уларнинг тиббий, ижтимоий-гигиеник ҳолатларини баҳолаш услублари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш механизми ва бошқичлари ҳамда ҳужжатларни тўғри шакллантиришга доир маърузалар олдимизда турган вазифаларга яна бир қарра аниқлик киритди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» муҳбири

Атрофича муҳомамадан сўнг тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалиётда фойдаланиш учун соҳа мутахассисларига етказилди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» муҳбири

Огоҳлик — давр талаби

Тинчлик — олий неъмат

Шу кунларда ҳуқуқ-тартибот органлари ташаббуси билан пойтахтимиздаги касб-хунар коллежи, лицей ва бошқа таълим даргоҳларида «Тинчлик — олий неъмат» мавзюда маънавий-маърифий учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Маълумки, юртимизда ёшларга замонавий билим бериш, касб-хунар ўргатиш, етук мутахассис қилиб тайёрлаш билан бир қаторда, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Жумладан, ёшларда Ватанга муҳаббат, аждодларимиз меросига ҳурматни шакллантириш, оила муқаддаслиги туйғуси, соғлом турмуш кўникмасини шакллантириш таълим муассасалари, кенг жамоатчилик олдига турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖДЛҚ Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан пойтахт туманларида уюштирилган тадбирларда ана шу масалалар ўқувчи ёшлар, талабалар, ёзувчи ва шорилар, нуруний отахону онахонлар, ҳуқуқшунослар иштирокида муҳокама қилинмоқда.

Тадбирларда мустақиллик даврида турли соҳаларда олиб борилаётган ислохот-

лар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва янгиланишлар замирида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ётганлиги ҳаётий тарзда тушунтириб берилаётин.

Шунингдек, давлатимизнинг қуролли қучлар тизимидаги ислохотлари, миллий армиямизнинг куч-қудрати ва салоҳияти акс эттирилган, бугунги кунда турли давлатларда юз бераётган нотинчликлар, уларнинг ортида турган қучларнинг фарзали мақсадлари тўғрисида фикр юритилган «Тинчлик — олий неъмат» видеофильми намойиш этилмоқда.

М.ҚОСИМОВ,
СВОЖДЛҚ Департаментининг
Тошкент шаҳар
бошқармаси ходими

Тузатиш

«Ishonch» газетасининг 2016 йил 4 июн №: 66 (3728) сонидида чоп этилган «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК инжиниринг компанияси Сирдарё вилояти филиали 2016 йилга қўйилган объектлар бўйича пудрат танлов савдоларини эълон қилади сарлаҳали эълонининг учинчи хатбошиси Лот. 2-3. Гулистон тумани Зарбдор ҚФЙ Ишонч массивидаги 1,9 км. ички йўллар қурилиши. Бошлангич нархи ҚҚС билан 1 026 390 260 сўм, ҚҚС сиз 855 325 217 сўм, қурилиш муддати 180 кун деб, тузатиб ўқилсин.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Рамазон тухфаси

Эркин ва обод диёримизда диний бағрикенглик, хусусан, Ислон динига бўлган муносабат ҳар қачонгидан аъло. Зеро, ҳар йилги байрамлар орасида ийд Рамазон ва Курбон ҳайитларининг байрам сифатида нишонланиб, дам олиш кунини деб эълон қилиниши, ҳар йили Рамазон ойини муносиб ўтказишга юқори даражада аҳамият берилиб, муҳтарам Юртбошимизнинг қарорлари чиқиши тарихан олиб қараганда ҳам катта ижобий ҳодиса ҳисобланади. Бундан ҳар биримиз шукроналик ҳиссини туймиз албатта. Бу ойда хайрли амаллар учун бериладиган ажр-савоблар етмиш ҳисса ортиши, қалблар янада ҳалим бўлиши таъкидланган. Демакки, ўзаро панд-насихатларимиз ҳам беиз кетмайди, иншоаллох.

Ота-она қадри

Бугунги мақолада дунёга келишимиз, униб-ўсишимизда беминнат сабабчи ва хизматчи бўлган ота-онамиз қадри, уларга қилинадиган муомала одоблари ҳақида эслатиб ўтамиз. Аллох таоло Куръони каримнинг йигирмадан зиёд оятлари ота-она ҳурмати, уларга яхшилик қилиш ва розилиқларини топиш муҳим амаллардан эканини баён қилган. Зеро, ҳар бир ота-она барча имкониятларини сарфлаб фарзандларини тарбиялаш ва таълим беради. Айниқса, оналар ёш гўдақлари воғга етгунга қадар кеча ва кундуз тинимсиз машаққат чекади. Демак, фарзанд ота-онасига яхши муомалада бўлиши, уларнинг хизматида доим шай туриши лозим. Жаноб Расули акрам (соллаллоху алайҳи ва саллам) ота-онага яхшилик қилиш ҳақида шундай деганлар: «Парвардигорнинг розилиғи ота-онанинг розилиқларига боғлиқ. Унинг газоби ҳам ота-онанинг норозилиғига қараб бўлади». (Табароний ривояти).

Қобил фарзанд қўйидаги амалларни бажариши зарур:

- Аввало, барча ишларда ота-онандан маслаҳат олиши;
- Яхши нарсаларни ўзидан аввал ота-онага тақдим этиши;
- Ота-онанинг маслаҳат ва насиҳатларини жону дил билан қабул қилиши;
- Ота-онанинг руҳсатисиз уларнинг хонасига кирмаслиқ;
- Ҳеч қачон уларнинг номларини айтиб чақирмаслиқ;
- Уларнинг олдига баланд овозда гапирмаслиқ ва «уфф» демаслиқ;
- Ота-онандан аввал таомга қўл узатмаслиқ;
- Уларнинг ҳузурда оёқларини

чўзмаслик, ёнбошмаслик, улардан юқорида ўтирмаслиқ;

- Фарзанд доимо ота-онанинг кўнглини топиб, розилиғини олиши;
- Ота-онанинг озиқ-овқати, кийими-кечаги ва соғлиғидан ўз вақтида хабар олиб туриши.

Конституциямизда ҳам шунга манади: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар» (64-модда), «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (66-модда), деган жумлалар бор.

Ҳақ таоло биз фарзандларга ота-оналарни тез-тез зиёрат қилишни, улардан хабардор бўлиш ҳамда ҳақларига дуо ва истиғфор айтиб туришни буюрган.

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий ота-она ҳақида нозил бўлган оятларнинг тафсирида айтиди: «Ким ўз ота-онанинги беш вақт намоздан сўнг дуо қилиб юрса, демак, у ота-онасига ҳақларини адо қилган бўлади».

Абдуллох ибн Аббос розийаллоху анху Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилади: «Қайси бир солиҳ фарзанд ўз ота-онанинги юзларига меҳру шафқат назари ила боқса, Ҳақ таоло у кишининг ҳар бир қилган назари бир ҳаж қилганининг савобини бергай. Шунда саҳобалар сўрадилар: «Ё Расулуллох, бир кунда юз марта боқса ҳам, юз ҳажнинг савоби ёзилаверадими?» Онҳазрат: «Албатта, Аллох таоло қарам кенг, улуг зотдир ва ажру савобларини яхши бандаларидан дариг тутмагай», деб жавоб бердилар.

Абдуллох ибн Умардан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: Бир

киши йиғлаб қолган ота-онасини ташлаб ҳижрат қилиш учун Набийнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) олдиларига келганида, Расулуллох (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Уларнинг олдига қайтиш ва уларни қандай йиғлатган бўсанг, шундай қулдиргин», дедилар.

Бир киши Сарвари оламдан сўради: «Ота-онам вафот этди. Энди уларга нима қилсам, зиммамдаги ҳақларини адо этган бўламан?» Шунда Расулуллох (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Ота-она вафот этгач, фарзандларнинг зиммаларига вожиб ишлар, аввало, уларга жаноза намози ўқиш, вақти-вақти билан дуою истиғфор айтиб туриш, айтиб кетган барча васиятларини ижро этиш, уларга яқин бўлган ёру дўст, қариндошларини иззату ҳурмат қилиш, ота-она тарафидан бўлган қавм-қариндошларга силаи раҳм қилиш, қабрларини зиёрат қилиб туриш, бировдан қарз ёки омонат олган бўлса, уларни эгаларига етказиш», деганлар.

Фарзанд зиммасида, айниқса, онанинг ҳаққи улугдир. Чунки она фарзандни туқизиб ой қорнида қўтариб юради, туғилгач, бор меҳри, куч-қувватини бағишлаб, уни боқди, кечалари бедор бўлиб таомлантиради, оқ юзиб, оқ тарайди, шодлиғида севинади, гамага ботса, баравар қайғуради, қўйинг-чи, бутун борлигини фарзандига бахшида қилади. Шундай бўлгач, фарзанд она ҳаққини тўла адо этолмайди. Аммо, имкон қадар дуосини олиш фарзанднинг камолотида муҳимдир.

Баъзан ота-онага кўполлик қиладиган, илтимосини «эсдан чиқариб» қўядиганлар топилади. Ачинарлиси, ноқобил ўғил-қизлар имконияти бўлгани ҳолда, ота-онаси кексайиб қолганда уларни эъзозлаб парвариллаш ўрнига эърозсиз қолдиради ёки Қариялар уйига жўнатади. Ота-оналарни дийдорига зор қилади. Бунинг сабаби ҳам дин ва маърифатдан беҳабарлик ёки нафсий куллиқдандир. Бизнинг аждодлар ота-оналарга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишда, уларни рози қилиб, фарзандлик бурчларини шараф билан ўташда авлодларга ибрат ва намуна бўлишган.

Азизлар, барчамиз ота-оналаримизнинг дуосини олишга, хизматларини қилишга шошилайлик. Зеро, вақт ганиматдир. Олдимизда фарзандларимиз ибратга муштоқ бўлиб туришибди.

Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон муулмонлари идораси раиси уринбосари

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Истеъдод юксакка бўй чўзмоқда



Андижон давлат университетида «Юрт келажиги» иқтидорли ёшлар танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича 15-25 ёшли 594 нафар навқирон авлод вақили ижодий ишлари билан катнашди.



Танловга тақдим этилган лойиҳа ва ишланмалар бетақдор, ўзига хос, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда маълум мuddат давомида синовдан муваффақиятли ўтгани билан эътиборга сазовор. Масалан, Асака педагогика ва ижтимоий-иқтисодий коллежи 3-курс ўқувчиси Озодбек Эргашев бир неча йилдан буён кар-соков ҳамда эшитиш ва гапиришда нуқсонни бор болалар учун дарс жараёнини самарали ташкил этишга мўлжалланган лойиҳа устида изланган. Махсус парта, стул, компютер тўплами ва кулоқчиндан иборат мослама бир қатор янгиликларга эга. Ишланма Хўжаобод туманидаги заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида синовдан ўтказилди.

Махсус мактабларда ўқитувчи ҳар бир бола билан яқка тартибда ишлайди, — дейди Озодбек. — Мослама ёрдамида бир вақтда 8-12 нафар ўқувчига ҳарф ва артикуляцияларни ўргатиш мумкин.

Пахтаобод туманидаги 3-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Фарангиз Эргашева эса ҳайкалтарошликка меҳр қўйган. Унинг лойиҳада ясаган ўнга яқин буюмлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Амалий санъат номинацияси бўйича иштирокчи — Баликчи индустриал-педагогика коллежи ўқувчиси Камола Шавкатованинг эсдалик совғалари учун мўлжалланган сувенир ва ноанъанавий буюмлари ҳам янгича қўрилишга эгаллиги, фойдаланилган ҳар бир детал ўзаро уйғунлик касб этганлиги билан барчада ўзгача қизиқиш уйғотди.

— Ижодий ишлар билан танишиб, фикрларим янада бойиди, — дейди Тошкент давлат техника университети доценти, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Мирзохид Сафоев. — Тақдим этилган ҳар бир лойиҳада ўғил-қизларнинг она юрда меҳр-муҳаббати, мамлакат тараққиёти ва келажакга ҳисса қўшишга интилиши сезилиб турибди. Ёшларнинг интеллектуал салоҳияти йил сайин ўсиб бораётганидан қувончим чексиз.

Танловда 11 та номинация бўйича 34 нафар голиб аниқланди. Улар мамлакат босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

Беллашув
САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА
Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг хотин-қиз ходимлари ўртасида Соғлом она ва бола йили муносабати билан «Соғлом танда — соғ ақл» мавзусида спорт мусобақаси ўтказилди.

Унда иштирокчилар волейбол, шахмат, баскетбол, югуртиш, аркон тортиш бўйича жамоавий тарзда кураш олиб боришди.

— Бугунги кунда институтда 291 нафар хотин-қиз фаолият юритмоқда, — деди институт ходимлари ва талабалар касабга уюшма кўмитаси раиси Файзиддин Тиловатов. — Шулардан 280 нафари 6 жамоага бўлиниб қизгин беллашди.

Мусобақа якуниларига кўра 1-ўрин «Иқтисод», 2-ўрин «Ректорат», 3-ўрин «Педагог» жамоаларига насиб этди. Шунингдек, мусобақа якуниларига кўра турли номинацияларда голиблар рабатлантирилди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Нурилло НЎҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

Соғлом муҳит — тараққиёт пойдевори



К.1. Федерация Кенгаси томонидан «Ходимлар гимнастикаси» бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ҳам соғлом турмуш йўлидаги эзгу ишлардан саналади. Мазкур тавсиялар асосида 2014 — 2015 йиллар давомида қарийб 31,5 мингта корхона, ташкилот ва муассасаларда 5 млн. нафарга яқин касба уюшма аъзоси ўртасида ходимлар гимнастикаси йўлга қўйилди.

— Ходимлар гимнастикасининг асосий мақсади ишловчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат самарадорлигини ошириш, иш вақтида уларнинг ишчанлигини тиклаш, чарчаш ҳолатини камайтириш, касалланиш даражасини пасайтиришдан иборат, — дейди УЗКУФ маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими

етакчи мутахассиси Гулчехра Жўраева. — Қолаверса, гимнастика машғулотлари ҳар бир ишчи-ходимнинг фаоллигини таъминлаш билан ижтимоий аҳамият касб этади. Маълумки, ҳозирги даврда жуда кўп инсонлар камҳаракатлик туфайли юзага келадиган касалликлардан азият чекаётди. Айниқса, булар сафига кўп ҳаракат талаб этмайдиган соҳалар ходимларини (конвейерда ишлайдиганлар, операторлар, ҳайдовчилар, компютерда ишловчилар ва ҳ.к.) киритиш мумкин.

«Ходимлар гимнастикаси ташкил этилишининг долзарблиги нимада?», деган саволга Гулчехрагон шундай жавоб беради:

— Маълумки, гимнастика мақсад ва вазифаларига қараб учга бўлинади. Ходимлар гимнастикаси улардан

бири ҳисобланади. Бу гимнастика қийин бўлмаган жисмоний машқлар бўлиб, бевосита иш вақтида амалга оширилиб, ходимларнинг саломатлигини яхшилаш, иш фаолиятини янада оширишга қаратилган. Энг муҳими, бу машқлар иш жойида ва иш кийимида ўтказилишга мослаштирилган. Қолаверса, ходимлар гимнастикаси бўйича тавсия этилган машқларни мунтазам бажариш остеохондроз (бўғинларда туз йиғилиши), умуртқа қисмидаги грижа, гемморой, семизлик, ички органларнинг нотўғри ишлаши (модда алмасувининг ёмонлашуви) каби хасталиклардан сақлаб, иш унумдорлигини оширади. Гимнастик машқлар мажмуаси куннинг биринчи ярмида иш бошлагандан икки соат кейин ва куннинг иккинчи ярмида тушиладиган икки соат кейин бажарилиши мақсадга мувофиқдир. Бу танлашлар 5-10 машқлардан иборат бўлиб, 5-7 дақиқани ташкил этади. Машқлардан бири орқа мушакларни ривожлантириш, бошқаси бўйин қисмида йиғилувчи тузларни парчалаш, кейингиси қорин прессиони мустаҳкамлашга ёрдам беради. Спорт машқларининг мусиқа садолари остида ва очик ҳавода ўтказилаётгани эса шугулланувчилар саломатлигига янада яхши таъсир кўрсатаётди.

Дарҳақиқат, гимнастика соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва саломатлигини мустаҳкамлашда энг самарали йўللardan бири ҳисобланади. Ходимлар ишлаб чиқариш гимнастикасининг аҳамиятини яхшилаб тушуниш, у билан мунтазам шугулланса, ушбу жараён кундалик одат-

га, яъни ижтимоий меъёрга айланади. Мутахассисларнинг эътирофи эътибор, оғир меҳнат талаб этувчи айрим касб эгаларида бир хил иш жараёнидаги ҳаракатлар маълум бир мушакка таъсир этади, бошқа мушакларнинг иш фаолияти ҳаракатсизлиги туфайли кундан-кунга заифлашиб бораверади. Мунтазам равишда оддий гимнастик машғулотларни бажариш эса саломатлигимизга ижобий таъсир кўрсатади. Касба уюшмаларининг корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар гимнастикасини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини ишчи-ходимлар ўз саломатлигини чуқурроқ англашга бўлган даъват сифатида қабул қилишга тўғри алоҳида эътирофга лойиқдир.

— Касба уюшмаларининг бу ташаббуси замирида жуда катта маъно бор. Қисқа мuddатли жисмоний танлаш ҳодимнинг ишчанлик қобилиятини оширади, маълум бир аъзолар зўриқишининг олдини олади, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Тоҳир Иброҳимов.

— Баъзи соҳа вақиллари катта жисмоний куч талаб этиладиган юмушларни бажаришда, айримлар кун давомида компютер мониторида нивоғи таъсирдан ишлайди. Ходимларнинг гимнастика машғулотлари га жалб этилиши эса ўз бериши мумкин бўлган турли касалликлар олди олинишида муҳим аҳамият касб этади. Тушулган ҳар бир раҳбар, ҳодим бу ақидага амал қилса, фақат фойда кўради. Минг афсуски, кўпчилигимиз саломатлигимиз жиддий издан чиққандагина соғлом турмуш тарзи ва жисмоний машқ-

ларга муносабат қиламиз.

Шу ўринда бу борада ибратли тажрибани йўлга қўйган меҳнат жамоалари тўғрисида тўхталиш. Самарқанд вилоят худудий электр тармоқлари тизимида тўрт мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Ҳар бир ходим тақдирига масъуллиқ билан қараш натижасида, сўнгги йилларда бу ерда ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгли-сизилликлар чекинди. Барча худудий корхоналарда ходимлар бўш пайтларида жисмоний тарбия билан шугулланиши учун шароит яратилган. Ишлаб чиқариш гимнастикаси машғулотларини ташкил этиш ва назоратини олиб боришга масъуллар белгиланган. Машғулотлар ходимларнинг бажараётган ишдан бир зум тин олиб, шу фурсатда саломатлиги ҳақида қайғуришига имконият яратгани иш сифати ва самарадорлигини оширомоқда. Энг муҳими, ходимларга хуш кайфият ва кўтаринкилик улаштириб, саломатлиги мустаҳкамланган бўлади. Қолаверса, сўнгги пайтда «касалик варақаси» тақдим қилаётганлар сони кескин камайди.

Саломатлик ҳаммаимиз учун керак. Уни сизу биз — барчамиз назоратга олсак, бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб ишлашимиз, рўзгоримизга бундан ҳам кўпроқ барака киритишимиз, юртимизнинг гуллаб-яшнашига кўпроқ ҳисса қўшишимиз мумкин. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар бир инсон ўз саломатлиги учун ўзи масъул, оиладаги соғлом маънавий муҳит барқарорлиги учун эса барча масъулдир.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ЭКОЛОГИК МАРАФОН

Пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги ҳамда Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган «Экология ҳафталиги — 2016» доирасида спорт марафонини бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва таълим мақсади ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мусобақада Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирлиқлари, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа ташкилотларнинг спортсевар ходимлари ўзаро куч синишди.

Соғлом турмуш тарзи дунёдаги барча халқларнинг кундалик ҳаётида муҳим урин тутиб бормоқда. Спорт турлари табиий иқлим шароитлари ва табиий ландшафт билан узвий боғлиқдир. Ана шундай ўзаро боғлиқлик спорт ҳамжамиятини табиат ширинчилиги билан бирлаштиради.

Мусобақа дастуридан қисқа масофага югуриш, эпилчлик ва чаққонлик эстафеталари, яқка ҳамда жамоавий беллашувлар ўрин олди. Интеллектуал кураш иштироблари учун эса эрудит турнирлари ташкил этилди. Яқунда тадбир ташкил қўмитаси томонидан спорт марафонини голибларини тақдирлаш маъноси бўлиб ўтди.

Алҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshch

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillim:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

HUUDULDARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'Iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev

Navbatchi:
A. Arslonov
Musahih:
S. Shodiyeva

Sahifalovchi:
H. Abdullayev

Boshiga topshirish vaqti — 20:45
Topshirishi — 21:20

1 2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tobaq.
Buyurtma № — 615.
20632 nusxada bosiladi.
Nashr ko'rsatkichi: 133